
Рамазон ойи аввалидан тумандаги барча ҳудудларда каттаю-кичик саховат тадбирлари ўтказиб келинмоқда

Тумандаги ҳар бир маҳаллаларда улуғ айём кунлари "дафтар"ларда турган, эҳтиёжманд аҳоли вакиллари, ногиронлиги бўлган, бетоб кишилар ва нуронийлар учун ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда.

Хайрли тадбирлар давомида бир жойда ётиб қолган беморлар, жисмоний имконияти чекланган эҳтиёжманд оила вакилларининг хонадонларига ҳам йўқловлар уюштирилиб, дилларга меҳр ва шодлик улашилмоқда.

Хусусан бугун туман ҳокими бошчилигида "Янги" маҳалласида яшовчи гуруҳ ногирони, Хўжақулов Зафаржоннинг холидан хабар олиниб, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

2023-04-05 19:09:05